
Риштон туманининг хизматлар соҳаси рақамларда

2024 йил январ-март ойлари ҳолатига Риштон туманида хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган 1173 та корхона ва ташкилотлар томонидан кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 225,0 млрд. сўм миқдорида қайд этилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 112,3 %ни ташкил этди. Шундан иқтисодий фаолият турлари бўйича таҳлил қилинганда молия хизматлари 38,5 млрд. сўм, савдо хизматлари 63,3 млрд. сўм, алова ва ахборотлаштириш хизматлари 17,8 млрд. сўм, транспорт хизматлари 43,7 млрд. сўм, таълим хизматлари 3,5 млрд. сўм, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 4,7 млрд. сўм, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар ҳажми 2,3 млрд. сўм, кўчмас мулк билан боғлиқ хизматларда 19,8 млрд. сўм, ижара хизматларида 13,2 млрд. сўм, компьютер ва маиший товарларни таъмирлашда 4,8 млрд. сўм миқдорида қайд этилди. Шунингдек, аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 1млн. 034,8 минг сўмни ташкил этиб, 2023 йилнинг январ ойига нисбатан ўсиш суръати 109,8 %ни ташкил этди. Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 163,3 млрд. сўм миқдорида қайд этилганлигини кўриш мумкин.

Ўктамжон Тешабоев

Риштон тумани статистика бўлими бошлиғи.

2024-04-25 08:42:38